

“ТАСДИҚЛАНГАН”  
«Туронбанк» АТБ Бошқарувининг  
«25 » июнь 2021 йилдаги  
59/1 - сонли Қарори

№ 882

**“ТУРОНБАНК” АТБНИНГ  
ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ ХАВФЛАР БОШҚАРУВИ БҮЙИЧА СИЁСАТИ**

**I. Умумий қоидалар**

1.1 Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Экологик экспертиза тўғрисида"ги конунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги 1047-сонли "Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридий шахсларга етказилган заарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги қарори, Жаҳон банки гурухи томонидан тасдиқланган "Экватор принциплари" стандартлар тўплами, шунингдек Банк ички норматив хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2 Туронбанкнинг (кейинги ўринларда Банк деб юритилади) Экологик ва ижтимоий хатарларни бошқариш бўйича сиёсати (кейинги ўринларда Сиёсат) Банкнинг экологик ва ижтимоий жавобгарлигини таъминлаш учун ишлаб чиқилган.

1.3 Сиёсатнинг мақсади салоҳиятли ижобий экологик ва ижтимоий таъсирларни оширишга интилиш, субвойҳаларни молиялаштиришда салбий экологик ва ижтимоий таъсирларнинг олдини олиш ёки камайтириш, молиялаштириладиган лойиҳаларнинг барқарор ривожланишга қўшган ўз ҳиссасини қўшишда кўмак бериш.

1.4 Ушбу Сиёсат Банк ва унинг мижозлари фаолиятига тааллуқли.

1.5 Сиёсат экологик ва ижтимоий бошқарув тузилмасининг асосини ташкил этади ва зарур бўлганда, Халқаро молия институтларининг (кейинги ўринларда ХМИ) талабига кўра Банк эҳтиёжлари учун алоҳида хужжат билан мослаштирилиши мумкин.

1.6 Банк мижозлар томонидан фаолиятни амалга ошириш даврида ўз фаолиятида ва атроф-мухит ва ижтимоий хатарларни ҳар томонлама аниқлаш,

баҳолаш ва бошқаришга устувор аҳамият беради.

1.7 Банк ўз фаолияти ва у томонидан молиялаштириладиган лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида мавжуд энг яхши технологиялар ва халқаро амалиётни қўллаш, мавжуд молиявий ва технологик ресурсларни ажратиш орқали атроф-муҳитга, одамларга ва уларнинг соғлиғига таъсирини олдини олиш, минималлаштириш, камайтириш ёки компенсация қилиш (белгиланган кетмакетликда) бўйича барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириши керак.

1.8 Банк ўз фаолиятида, шунингдек лойиҳаларни молиялаштиришда аҳолининг жисмоний ёки иқтисодий жойини ўзгаришини тўлиқ чеклашга ёки муқаррар бўлганда минималлаштиришга интилади.

## **II. Банк мажбуриятлари**

2.1 Тежамкор, барқарор ва хавфсиз операцияларни таъминлаш мақсадида Банк экологик ва ижтимоий хатарларни бошқариш бўйича энг илғор халқаро тажрибага амал қиласди.

2.2 Банк ўз фаолияти ва мижозлари фаолиятида самарали тизим мониторинг қилиш ва экологик ва ижтимоий хатарларни бошқаришни баҳолашни ўз ичига олган барча чораларни кўради.

2.3 Банк ўз фаолиятида ресурслардан оқилона фойдаланиш, молиявий ва технологик жиҳатдан сезиларли бўлган атроф-муҳит ифлосланишини минималлаштириш ва / ёки олдини олиш ва одамлар, уларнинг соғлиғи ва атроф-муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш учун энг яхши тажрибаларни инобатта олган ҳолда тамойиллари ва усуllibарини қабул қиласди.

2.4 Банк биологик хилма-хилликка таъсир қилишнинг олдини олади, биологик хилма-хиллик ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва сақлашни қўллаб-куватлайди. Банк ўз фаолиятида тирик мавжудотларнинг табиий муҳитини сезиларли даражада ўзгаришига ёки бузилишига йўл қўймайди.

2.5 Банк аҳоли ва ўз ходимларининг соғлиғи ва хавфсизлигини сақлаш ёндашувини қўллаб-куватлайди, фаолияти доирасида бўлган ходимлар ва аҳолига етказилиши мумкин бўлган салбий таъсирни минималлаштиришга ҳаракат қиласди.

2.6 Банк маҳаллий халқлар ва озчиликни ташкил этадиган миллатларнинг анъанавий маданий урф-одатларини яратиш, тарқатиш ва етказиш ҳамда улардан ўз тарақкиёти учун фойдаланиш ҳуқукини тан олади ва керак бўлганда уларни қўллаб-куватлайди.

2.7 Банк субвойиҳаларни молиялаштиришда маҳаллий аҳолига салбий таъсирларни олдини олиш, имтиёзлардан фойдаланиш имкониятларини ва барқарор ривожланиш салоҳиятини ушбу маданият учун мақбул тарзда таъминлашга интилади.

2.8 Банк маданий ва тарихий мероснинг ҳозирги ва келажак авлодлар учун муҳим ролини тан олади ва молиялаштираётган фаолиятида маданий меросни ҳимоя қилишни таъминлайди. Банк қонун билан ҳимояланган ёки ҳимояланмаганига қарамасдан маданий ва тарихий меросни ҳимоя қилишдан манфаатдор.

2.9 Архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришда Банк кўчмас тарихий ва маданий бойликларни саклаш бўйича қоидаларга риоя этилишни таъминлайди.

### **III. Мижоз мажбуриятлари**

3.1 Банк мижозлари томонидан экологик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш ҳамкорликнинг муҳим натижасидир. Банк мижозларнинг ўз фаолиятида экологик ва ижтимоий таъсирларни минималлаштириш мақсадида экологик ва ижтимоий стандартларни қўллашини таъминлашга интилади.

3.2 Банк ўз мижозларига қўйидагиларни тавсия этади:

3.2.1 Экологик хатарларни бошқариш тизимини қўллаган ҳолда атроф муҳитга ва одамларга аниқ ва мумкин бўлган таъсирларни аниқлаш, баҳолаш; тегишли бошқариш усусларини аниқлаш ва самарали амалга ошириш; ушбу тизим ва экологик хатарлар даражаси устидан назорат;

3.2.2 Инсон ресурсларини бошқариш тизимини қўллаш ва ишчилар соғлигини таъминлаш (сақлаш). Ушбу тизим ишчиларга нисбатан адолатли муносабатни, улар учун хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратишни таъминлаши керак;

3.2.3 Соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни бошқариш тизими доирасида ўз ишчилари учун хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратиш, шунингдек ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича хабардор қилиш, ўқитиш, назорат қилиш ва маслаҳат бериш;

3.2.4 Маҳаллий аҳоли ва истеъмолчиларни ҳар қандай вазиятда соғлиқ ва хавфсизликка салбий таъсири ҳақида хабардор қилиш, баҳолаш ва олдини олиш ёки минималлаштиришни амалга ошириш.

### **IV. Экологик ва ижтимоий хавфларни бошқариш тизимининг институционал жиҳатлари**

4.1 Давлат экологик сиёсатининг қонунчилик асослари - Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги 09.12.1992 йилдаги 754-XII-сонли ва "Экологик экспертиза тўғрисида"ги 25.05.2000 йилдаги 73-II-сонли қонунлари. Булар табиий муҳит шароитларини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларни белгилайди.

4.2 Экологик экспертиза қўйидагиларни аниқлаш мақсадида ўтказилади: (I) режалаштирилган иқтисодий ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларига мувофиқлиги, уни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдинги

босқичларда; (II) режалаштирилган ёки давом этаётган иқтисодий ва бошқа фаолиятнинг атроф-мухитга таъсири ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган экологик хавф даражаси; (III) атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича кўзда тутилган чоратадбирларнинг етарлилиги ва асослилиги.

4.3 Стратегик мўлжаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 07 сентябрдаги "Атроф-мухитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 541-сонли қарорига биноан давлат экологик экспертизасини ўтказиш тартиби аниqlанган.

4.4 Стратегик мўлжаллар инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни мутаносиб равишда уйғун ривожланишини таъминлашга, экологик тизимларни, табиий мажмуаларни ва муҳим объектларни химоя қилишга, фуқароларнинг қулай муҳитга бўлган хуқуқларини кафолатлашга қаратилган.

4.5 Давлат экологик сиёсати Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан амалга оширилади. Давлат экологик экспертизасини ўтказадиган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг органлари (худудий бошқармалар) давлат экологик экспертизасининг ягона тизимини ташкил этади ва Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида ташкил этилган.

4.6 Банкнинг экологик ва ижтимоий хатарларни бошқариш сиёсати, Банк Бошқаруви томонидан тасдиқлангандан сўнг, Банк Кредит қўмитаси томонидан амалга оширилади. Сиёсатнинг амалий татбиқи экологик ва ижтимоий хатарлар билан боғлиқ банк операциялари учун масъул бўлган таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

## V. Хатарларни таснифи ва скрининг

5.1 Лойиҳани таснифлаш унинг экологик ва ижтимоий хатарларни таҳлил қилиш асосида унинг атроф-мухитга ва жамиятга таъсирини ҳамда уни амалга ошириш билан боғлиқ хатарларни ўрганиш асосида амалга оширилади.

5.2 Экологик ва ижтимоий хавфни минималлаштириш учун лойиҳалар 4 тоифага бўлинади: "Юқори хавф (ЮХ)" тоифасидаги лойиҳалар, "Сезиларли хавф (СХ)" тоифасидаги лойиҳалар, "Ўртacha хавф (ЎХ)" ва "Паст хавф (ПХ)".

5.3 Хатарларни таснифлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 07 сентябрдаги 541-сонли " Атроф-мухитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида "ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.

5.4 Экологик хавф тоифалари таснифи:

- "ЮХ" тоифасидаги лойиҳалар юқори даражадаги хавфга эга бўлган лойиҳалар деб таснифланади (I тоифалар ва II тоифалар);
- "СХ" тоифасидаги лойиҳалар сезиларли хавфга эга лойиҳалар деб таснифланади (аксарият II тоифадаги лойиҳалар);
- "ЎХ" тоифасидаги лойиҳалар ўртача даражадаги хавф даражасига эга бўлган лойиҳалар сифатида таснифланади (III ва IV миллий тоифалар);
- "ПХ" тоифасидаги лойиҳалар минимал ёки нол хавф даражасига эга бўлган лойиҳалар деб таснифланади (экологик баҳолаш шарт эмас).

5.5 Банк ўз маблағлари ва давлат маблағлари ҳисобидан "ЮХ" тоифасидаги лойиҳаларни, Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати томонидан тасдиқланган давлат экологик экспертизасининг тегишли хulosаси мавжуд бўлганда молиялаштириши мумкин. "ЮХ" тоифасидаги лойиҳалар ХМИ кредит линиясидан доирасида фақат молиялаштириш/кредит битимида назарда тутилган бўлса ва/ёки ХМИ томонидан лойиҳа маъқулланган тақдирда молиялаштирилиши мумкин.

5.6 Банк ўз ва ХМИ маблағлари ҳисобидан "СХ", "ЎХ" ва "ПХ" тоифасига киривчи лойиҳаларни молиялаштириши мумкин.

5.7 Банк мажбурий кўчиришга таъсири бўлмаган лойиҳаларни молиялаштиради, яъни мажбурий кўчиришга таъсири бўйича "ПХ" тоифасидаги лойиҳалар.

5.8 Банк атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатиш хавфини камайтириш мақсадида хар бир молиялаштириладиган лойиҳа бўйича таснифлаш ва идентификациялаш тартибини амалга оширади.

## **VI. Ташкилий тузилма ва штатлар жадвали**

6.1 Бош банкда банкнинг Экологик ва ижтимоий хатарларни бошқариш (кейинги ўринларда ЭИХБ) менежери, филиалларда эса ЭИХБ координаторлари тайинланади. Бош банкда ЭИХБ менежери функциялари Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш Маркази директорига юклатилади. ЭИХБ менежери, Банкнинг таркибий бўлинмалари билан биргаликда куйидагилар учун жавобгардир:

(I) Банк Бошқаруви томонидан кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Банкнинг Экологик ва ижтимоий хатарларни бошқариш сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш ва тақдим этиш;

(II) Бошқарув ва бошқа манфаатдор томонлар учун Банкнинг Экологик ва ижтимоий хатарларни бошқариш сиёсати ва ушбу Сиёсатни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган процедураларни (кейинги ўринларда Процедура деб юритилади) амалга ошириш тўғрисида йиллик ҳисботларни тайёрлаш ва тақдим этиш;

(III) лойиҳани амалга ошириш жараёнида ҳимоя чораларининг барча жиҳатларини назорат қилиш.

6.2 ЭИХБ координаторлари ЭИХБ менежерига ёрдам беришади ва ўзларининг кундалик фаолиятлари даражасида қўйидагиларни таъминлайди:

(I) банк филиалларининг барча таркибий бўлинмалари томонидан сиёсат ва процедура талабларига етарли даражада риоя қилиниши;

(II) сиёсат ва процедуранарга мувофиқ экологик ва ижтимоий хатарлар тўғрисида тегишли ҳужжатларни мажбурий равишда расмийлаштирган холда барча кредитлар бўйича қарорлар қабул қилиш;

(III) тегишли шакллар ва экологик ва ижтимоий хавф ҳужжатлари учун белгиланган форматларга риоя қилиш;

(IV) ҳар бир қарз олувчи бўйича кўриб чиқилган экологик ва ижтимоий хатарларни, уларни бошқариш ва мониторинг жараёнини ҳужжатлаштириш ва кредит ҳужжатларида саклаш;

(V) кредит бўйича мутахассислар қарз олувчилар томонидан экологик ва ижтимоий хавф талабларига мувофиқлигини назорат қилиш.

6.3 ЭИХБ менежери атроф-мухит ва ижтимоий хатарларни бошқариш тизимининг сиёсати ва процедуранарни самарали амалга ошириш учун етарли ресурсларнинг мавжудлигини таъминлаш учун Банк раҳбарияти билан ишлаши керак. У назорат ва экспертиза ўтказишга техник жиҳатдан ваколатли бўлиши ва ҳар қандай маслаҳатчилар томонидан олиб борилаётган ишларни назорат қилиши керак.

6.4 Банк вақти-вақти билан ЭИХБ талабларига жавоб берадиган мавжуд ва янги ходимлар учун тренинглар ўтказади. Барча тегишли ходимларнинг малакалари ЭИХБ тизими, назорат рўйхатлари, шакллари, ҳисоботлари ва процедуранари билан боғлиқ тренинглар / семинарлар ташкил этиш, шу жумладан тақиқланган фаолиятни скрининг қилиш, экологик ва ижтимоий хатарларни тоифалаш, кредитлар бўйича тасдиқларни текшириш, АТТБ процедуранарини тайёрлаш, экологик ва ижтимоий мувофиқлик лойиҳалари, иш юритиш ва саклаш, ҳисбот бериш бўйича мунтазам текширувлар орқали доимий равишда такомиллаштирилади.

## VII. Лойиҳани кўриб чиқиши ва тасдиқлаш тартиби

7.1 Лойиҳаларни кўриб чиқиши ва тасдиқлаш тартиби миллий меъёрий ҳужжатлар ва энг илғор халқаро тажрибаларга мувофиқ амалга оширилади.

7.2 Хатарларни туркумлаш молиялаштирилаётган лойиҳаларни экологик ва ижтимоий хатарлари мавжудлиги доирасида Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий ҳужжатларига мувофиқ скрининг асосида амалга оширилади. ХМИ кредит линиялари доирасида лойиҳани молиялаштиришда хатарларни тоифалаштириш ХМИ талабларига мувофиқ амалга оширилади.

7.3 Лойиҳага "ПХ" тоифаси тайинланганда лойиҳа маъқулланади ва банкнинг ўз маблағлари ёки ХМИ маблағлари ҳисобидан молиялаштириш учун маблағлар жалб қилинади.

7.4 Лойиҳага "СХ" тоифаси тайинланганда Банк норматив ҳужжатларга мувофиқлиги таъминлаш мақсадида дастлабки экологик баҳолашни талаб қиласди. Бундай ҳолда, маблағ жалб қилиш барча тегишли процедуралар миллий норматив ҳужжатларга мувофик бажарилгандан сўнг амалга оширилади (экологик стандартлар лойиҳалари, шу жумладан ЗВОС ёки ОВОС, лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларига қараб); лойиҳа ХМИ кредит линияси доирасида молиялаштирилганда, бундай лойиҳа ХМИ талабларини бажарилгандан сўнг молиялаштирилади.

7.5 Лойиҳага "ЮХ" тоифасини тайинланганда Банк бундай лойиҳани факат Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий ҳужжатларига мувофик барча рухсатномаларни олганидан сўнг молиялаштиради. "ЮХ" тоифаси тайинланганда лойиҳа факат Қарз/Кредит битимида назарда тутилган бўлса ва ХМИ томонидан тасдиқланган бўлса молиялаштириш мумкин.

7.6 Хатарларни кўриб чиқиш ва таснифлашнинг батафсил тартиби 1-иловада келтирилган.

### **VIII. Экологик ва ижтимоий хатарларни мониторинг қилиш**

8.1 Экологик ва ижтимоий хатарларни мониторингини олиб бориш Банк томонидан доимий равиша Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофик, зарур бўлганда эса ХМИ талабларига мувофик амалга оширилади.

8.2 Экологик ва ижтимоий хатарларни мониторинг қилишнинг мақсади операция давомида Банк мижозининг фаолияти билан боғлик жорий ва юзага келиши мумкин бўлган экологик хатарларни баҳолашдир.

8.3 Мижознинг экологик ва ижтимоий хавфсизлик шартларига риоя этилишини назорат қилиш кредит шартномасида кўзда тутилиши керак.

8.4 Мониторинг жараёни мижоз томонидан амалга оширилаётган экологик ва ижтимоий кафолатлар билан боғлик фаолияти тўғрисидаги даврий ҳисботларни кўриб чиқишини ва Банк ходимларининг лойиҳа жойлашган жойига доимий ташрифларини ўз ичига олади.

8.5 Талаб этилаган ҳолларда, Банк халқаро молиявий ташкилотларга операцияларнинг экологик ва ижтимоий кўрсаткичлари тўғрисидаги даврий ҳисботларни ва экологик ва ижтимоий хатарларнинг умумий таъсирини камайтириш бўйича кўрилган чораларни ўз ичига олаган ҳисботларни тақдим этади.

8.6 Экологик ва ижтимоий хавфларни бошқариш мониторинги тизимининг батафсил тавсифи 2-иловада келтирилган.

## **IX. Шикоятларни кўриб чиқиши механизми**

9.1 Шикоятлар механизми - таъсир етказилган шахсларнинг шикоятлари юзасидан ёрдам ва маслаҳат бериш, ҳамда мавжуд бўлганда, талаб ва шикоятларни зудлик билан ҳал қилишининг самарали механизми.

9.2 Шикоятларни кўриб чиқиши механизми миллий қонунчилик ва меъёрий-хукукий база талабларига риоя этишга асосланган бўлиб, жабрланганларнинг шикоятларини зудлик билан ҳал қилиш, жараённинг шаффоғлигини таъминлашдан иборат.

9.3 Шикоятлар механизми; (I) лойиҳани амалга оширишда низоларни, кераксиз кечикишлар ва кийинчиликларни камайтириш; (II) лойиҳа фаолияти сифатини ва натижаларини яхшилаш; (III) жабрланган шахсларнинг хукукларига риоя қилинишини таъминлаш; (IV) лойиҳаларнинг жисмоний шахсларга учун кутилмаган оқибатларини аниқлаш ва уларни олдини олиш; (V) лойиҳадан жабрланган одамлар учун максимал даражада иштирок этиб, қўллаб-куватлаш ва фойда беришга йўналтирилган.

9.4 ЭИХБ менежери қуйидаги маълумотларни қайд қилиб боради:

а) маҳаллий жамоатчиликдан келиб тушган шикоятлар, даъволар ёки протестларни, рўйхатдан ўтган саналарини кўйган ҳолда, иштирок этган ташкилотлар, шикоятларни ҳал қилиш бўйича қўрилган чоралар, ҳал қилинмаган муаммолар ва уларни ҳал қилиш бўйича таклиф қилинган чораларни;

б) маълумотларни ошкора қилиш ва маслаҳатлар тўғрисида маълумот, мавжуд бўлганда, жабрланган шахслар, маҳаллий жамоатчилик, фуқаролик жамияти гурӯхлари ва бошқа манфаатдор томонлар тўғрисида;

в) консультациялар давомида қўтарилигандан муаммоларни ҳал қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш учун тўлиқ ёндашув/методология тўғрисида маълумот.

9.5 Шикоятларни кўриб чиқишининг схематик тартиби З-иловада келтирилган.

## **X. Якуний қоидалар**

10.1 Экологик ва ижтимоий хатарларни минималлаштириш мақсадида Банк мавжуд молиявий ва технологик ресурсларни хисобга олган ҳолда экологик ва ижтимоий хатарларни бошқариш тизимининг самарадорлигини доимий равишда яхшилади ва оширади.

10.2 Лойиҳаларни ўз маблағлари ва ХМИ маблағлари хисобидан молиялаштиришда Банк экологик ва ижтимоий хавф-хатарларни бошқаришда тегишли хукукий ва меъёрий нормативлар ва бошқа талабларни қўллайди.

10.3 Банк экологик ва ижтимоий масалалар бўйича ташқи ахборот таъминоти тизимини ишлашини таъминлайди, сўровлар билан ишлаш учун, шу жумладан,

экологик ва ижтимоий масалалар билан боғлиқ шикоятларни қабул қилиш ва улар билан ишлаш учун алоқа қилувчи шахсни тайинлаш орқали таъминлайди.

10.4 Ушбу Сиёsat Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

*Киритилди:*

**Инвестиция фаолиятини  
мувофикалаштириш ва  
лойихаларни бошқариш  
Маркази директори в.в.б.**



A.A.Муаззамов

*Келишилди:*

**Бошқарув Раисининг  
биринчи ўринбосари**



X/c

A.T.Ташев

**Бошқарув Раиси ўринбосари**



С.Т.Калдибаев

**Бошқарув Раиси ўринбосари**



X/c

Д.А.Рустамов

**Бошқарув Раиси ўринбосари**



X/c

Дж.А.Ташкулов

**Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий  
ҳисобот департаменти директори**



Ш.Э.Бозоров

**Юридик департамент директори**

Б.Н.Арипов

**Ғазначилик ва қимматли  
қоғозлар департаменти директори в.б.**



Т.Х.Ахмедов

**Кредитлаш департаменти  
директори в.в.б.**



У.Н.Ўтанов

**Банк рисклари бошқариш  
департаменти директори в.в.б.**



О.Б.Ишниязов

Чакана хизматлар кўрсатиши  
департаменти директори в.б.

Р.Ш.Файзиев

Ташқи иқтисодий фолияти  
департаменти директори в.б.

И.З.Қутбиддинов

Ички аудит департаменти  
директори

Б.У.Ахмедов

Комплаенс назорат департаменти  
директори в.б.

М.Д.Мирзаев

Банкни стратегик ривожлантириш  
ва маркетинг департаменти  
директори в.б.

Ф.А.Рузикулова

Ахборот технологиялари  
департаменти директори в.б.

Б.Н.Деканов

Банк аппарати раҳбари в.б.

О.Р.Эргашев

Ходимлар билан ишлаш  
департаменти директори в.б.

Ш.А.Ибрагимова

Банк хавфсизлиги ва ахборотларни  
муҳофаза қилиш бошқармаси  
бошлиғи в.в.б.

Р.Ф.Сотиволдиев

Ишлар бошқармаси бошлиғи в.б.

А.А.Шакқулов

*Экологик ва ижтимоий  
хатарларни бошқариши сиёсатига  
1-илова  
“Туронбанк” АТБ*

**Кўриб чиқиши тартиби ва хавфларни таснифлаш**

Банк инвестиция фаолияти жараённида экологик ва ижтимоий хатарларни хисобга олишга қаратилган қуидаги принципларга амал қиласди:

1. Инвестиция фаолиятининг очиқлиги - Банк фаолияти энг яхши корпоратив бошқарув усусларидан фойдаланган ҳолда инвестиция жараёнининг ошкоралиги ва очиқлиги асосида амалга оширилади.
2. Экологик ва ижтимоий масъулият - Банк атроф-муҳитнинг, иш ва турмушнинг ижтимоий шароитларининг сезиларли даражада ёмонлашишига олиб келмайдиган лойиҳаларни молиялаштиради.
3. Хавфли фаолиятни молиялаштиришдан бош тортиш - Банк қуидагиларни молиялаштирмайди:

- мажбурий ва болалар меҳнатидан фойдаланадиган лойиҳалар;
- қимор ўйинлари;
- қурол ва ўқ-дорилар ишлаб чиқариш ва сотиш;
- радиоактив материалларни, шу жумладан ядервий реакторларни ва уларнинг таркибий қисмларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- биологик хилма-хиллик, ресурслар ва маданий меросни муҳофаза қилиш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки халқаро шартномалар билан тақиқланган фаолият;
- Банк Бошқаруви (Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларга нисбатан) ва // ёки халқаро молия институтлари (ХМИ кредит линиялари орқали молиялаштириладиган лойиҳаларга нисбатан) қарори бўйича бошқа фаолият турлари.

Банкнинг ХМИ билан тузган шартномаларига мувофиқ, рўйхатга банк томонидан молиялаштирилмайдиган бошқа фаолият турлари ҳам киритилиши мумкин.

Экологик ва ижтимоий хавфни минималлаштириш мақсадида Банк томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар З тоифага бўлинади: юқори хавф (ЮХ) тоифасидаги лойиҳалар, муҳим хавф (МХ) тоифасидаги лойиҳалар, ўртача хавф (ЎХ) ва паст хавф (ПХ)".

Экологик ва ижтимоий хатарларни тоифалаш:

1. "ЮХ" тоифасидаги лойиҳалар юқори даражадаги хавфга эга бўлган лойиҳалар

- деб таснифланади (I тоифалари ва II тоифалари);
2. "МХ" тоифасидаги лойиҳалар мухим хавфга эга лойиҳалар деб таснифланади (аксарият II тоифадаги лойиҳалар);
  3. "ЎХ" тоифасидаги лойиҳалар ўртача даражадаги хавф даражасига эга бўлган лойиҳалар деб таснифланади (III ва IV миллий тоифалар);
  4. "ПХ" тоифасидаги лойиҳалар минимал ёки нол хавфга эга лойиҳалар деб таснифланади (экологик баҳолаш шарт эмас).

Лойиҳаларни кўриб чиқиша экологик ва ижтимоий хавфларни кўриб чиқиша баҳолаш қуидаги босқичлардан иборат:

1. Лойиҳани Банк томонидан молиялаштирилмаган фаолиятни текшириш;
2. Лойиҳани тоифаларга ажратиш ва экологик ва ижтимоий хавфларни ўрганиш учун зарур бўлган бухгалтерия ҳисоби тартибларини белгилаш;
3. Лойиҳа ташаббускорига Банк томонидан экологик ва ижтимоий хавфхатарларни киритиш бўйича кейинги процедуralарга оид талабларни тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланган ва атроф-муҳитга таъсирини давлат баҳолашнинг тегишли хulosаси ва Банк Бошқарувининг қарорига биноан Банк ўз маблаглари ва давлат маблаглари ҳисобидан "ЮХ" тоифасидаги лойиҳаларни молиялаштириши мумкин.

"ЮХ" тоифасидаги лойиҳани ХМИ кредит линиясидан молиялаштириш мумкин, агар бу факт кредит шартномасида назарда тутилган бўлса ва агар ХМИ томонидан тасдиқланган бўлса.

Банк, ХМИнинг ўз ва қарз маблаглари ҳисобига, «МХ», «ЎХ» ва «ПХ» тоифалари хавф даражаларига эга лойиҳаларни молиялаштириши мумкин.

Банк атроф-муҳитга салбий таъсир қилиш хавфини минималлаштириш учун ҳар бир молиялаштириладиган лойиҳа бўйича скрининг ва тоифаларга ажратиш тартибини амалга оширади.

Банкнинг капиталдаги иштироки ёки банкнинг лойиҳа фаолиятида банкнинг бошқа мухим иштироки билан лойиҳани кўриб чиқиша ва молиялаштиришда, унда банк лойиҳани бошқариш хуқуқини олади, атроф-муҳит омилларини тоифаларга ажратишнинг кейинги тартиблари у тайинланган тоифага мувоғик белгиланади.

*Экологик ва ижтимоий  
хатарларни бошқариши  
сиёсатига 2-илова  
“Туронбанк” АТБ*

### **Экологик ва ижтимоий хавфларни бошқариш бўйича мониторинг тизими**

Қарз олувчиларнинг экологик ва ижтимоий кўрсаткичларини мониторинг қилиш бутун операция давомида қарз олувчи фаолияти билан боғлиқ бўлган мавжуд ва пайдо бўлаётган экологик ва ижтимоий хатарларни баҳолаш мақсадида амалга оширилади.

Транзаксия тасдиқланган пайтдан бошлаб, Банк қарз олувчининг экологик ва ижтимоий қоидаларга риоя қилишини доимий равишда назорат қилиб боради.

Лойиҳа маъқуллангандан сўнг, экологик ва ижтимоий стандартларни қатъйлаштириш мумкин, шунингдек қарз олувчи ўз фаолияти ёки ишлаб чиқариш жараёнларига ўзгаришилар киритиши мумкин, бу эса илгари аниқланган хатарларни ошириши ёки янги экологик ва ижтимоий хатарларни келтириб чиқариши мумкин.

Яратилаётган экологик ва ижтимоий хатарларни операция даражасида бошқариш экологик ва ижтимоий хатарларни портфел даражасида бошқарилишини таъминлайди.

Тизимли мониторинг экологик ва ижтимоий талабларга мувофиқлигини текшириш процедураларини, шу жумладан топилган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳар қандай режалар ва тадбирларни амалга ошириш орқали қарз олувчи лойиҳаси жойлашган жойга ташриф буориш билан амалга оширилади.

Мониторингнинг частотаси ва кўлами қарз олувчи фаолияти билан боғлиқ экологик ва ижтимоий муаммоларнинг мураккаблигига боғлиқ, лойиҳа мониторинги эса ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 25 февралягача йилига камида бир марта ўтказилиши керак.

Мониторинг жараёни одатда қарз олувчининг атроф-муҳит ва ижтимоий самарадорлиги тўғрисидаги даврий ҳисботларини текширишни ва сайтга мунтазам ташрифларни ўз ичига олади;

Куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади:

- тузатиш ишлари режасида белгилangan ҳар қандай юмшатиши чораларининг амалга оширилишини баҳолаш;
- лойиҳанинг экологик ва ижтимоий жиҳатлари билан боғлиқ бўлган амалдаги рухсатнома ёки лицензиялар мавжудлигини назорат қилиш;
- экологик ва ижтимоий стандартлар ва қоидаларга риоя қилмаслик учун

ҳар қандай жарима ва санксиялар;

- тегишли тартибга солиш ёки назорат қилиш органининг маълум қонунларга мувофиқлигини тасдиқловчи сўнгги ҳисоботлари, шу жумладан эмиссия ўлчовлари, чиқиндиларнинг қабул қилинадиган чегараларида эканлиги;
- атроф-муҳит ва ижтимоий ҳодисалар, шу жумладан бахтсиз ҳодисалар ёки ҳодисалар, масалан, ишчиларнинг шикастланиши ва тўкилишлар ва бошқалар;
- қарз олувчига таъсир қиласидиган экологик ва ижтимоий муаммоларга оммавий ахборот воситаларининг эътиборини қаратиш;
- манфаатдор томонларнинг қарз олувчига нисбатан ҳар қандай шикояти.

Агар Банк ходимлари экологик ва / ёки ижтимоий муаммоларни аниқласа, масалан, қарз олувчининг экологик ва ижтимоий қоидаларга риоя қилмаса, улар қарз олувчи билан ўзаро муносабатда бўлиб, уларни маълум вақт ичida ҳал қилишлари керак. Лойиха билан боғлиқ экологик ва ижтимоий муаммоларнинг мураккаблигига қараб, Банк ходимлари янги тузатувчи ҳаракатлар режасини ва / ёки операция давомида экологик ва ижтимоий кўрсаткичлар тўғрисида даврий ҳисоботларни ишлаб чиқиши талаб қилиши мумкин.

Ҳисоботларнинг частотаси битимлар бўйича ва қарз олувчининг ўз-ўзини назорат қилиш натижалари ёки мустақил учинчи шахслар ва / ёки назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган мониторинг натижалари асосида аниқланиши керак.

**"Туронбанк" АТБ экологик ва  
иҗтимоий хатарларни бошқарши  
сиёсатига 3-илова**

**Шикоятларни кўриб чиқиш механизмининг схематик тартиби**

<b>1-босқич</b>	<b>Шикоятни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш</b>	Шикоят иш куни давомида Банкнинг юридик бўлимига юборилади
<b>2-босқич</b>	<b>Мувофиқликни аниқлаш</b>	<p>Аввало, ариза берувчининг мувофиқлиги аниқланади.</p> <p>Агар шикоят яроқсиз бўлса, юридик бўлим шикоятни қабул килгандан кейин 1 иш куни ичидаги шикоят берувчига шикоятнинг яроқсизлиги тўғрисида хабар беради.</p> <p>Агар ариза берувчи шикояти мувофиқ бўлса, юридик хизмат бўлими аризани кўриб чиқиш учун Бошқарув Раиси ёки Бошқарув Раиси ўринбосарига 1 иш куни ичидаги юборади.</p>
<b>3-босқич</b>	<b>Аризани ўрганиш ва баҳолаш</b>	<p>Шикоятни текшириш жараёни одатда 3 кунни ташкил қиласи.</p> <p>Агар шикоятни батафсил ўрганиш зарур бўлса, шикоятни кўриб чиқиш муддати 30 кунгача бўлиши мумкин.</p> <p>Бундай ҳолда, 3 кун ичидаги талабнома берувчининг манзилига 30 кундан ошмаган тахминий муддат тўғрисида хабарнома юборилади.</p> <p>Батафсил ўрганиш жойларга ташрифлар, сұхбатлар, шикоятчилар билан, шунингдек шикояти ҳал қилиш учун фикри фойдали бўлиши мумкин бўлган бошқа шахслар билан учрашувлар ташкил этилиши мумкин.</p>
<b>4-босқич</b>	<b>Ариза берувчиларни хабардор қилиш ва мониторинг</b>	<p>Шикоят бўйича қарор қабул қилингандан сўнг, 1 иш кунидан кечиктирмай, қарор ариза берувчига юборилади.</p> <p>Аризани қабул қилган Банкнинг таркибий бўлими қарорларни мониторинг қиласи ва бу ҳақда ҳисобот тузади.</p>

*Шикоят қылған шахслар түгрисидаги маълумотлар, агар улар мурожсаат қилишида кўрсатган бўлса, сир сақланади. Шикоят қилувчиларнинг вакиллари түгрисидаги маълумотларнинг маҳфийлиги таъминланмайди. Аноним шикоятлар қабул қилинмайди.*